

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАХМЕДОВА ХУЛКАР ВАСИЛОВНА

ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТЕРМИН ЯСАШ
ПРИНЦИПЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ
(ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТЕРМИНЛАР МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 811.222.1:811.512.133.001.4

КБК: 81.2-3 (ЗИрн+5Ўзб)

М-54

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по
филологическим наукам
Content of the Abstract of Doctoral (DSc) dissertation
on philological sciences**

Мирзахмедова Хулкар Васильовна

Форс ва ўзбек тилларида термин яшаш принциплари ва муаммолари
(ижтимоий-сиёсий терминлар мисолида).....3

Мирзахмедова Хулкар Васильовна

Принципы и проблемы терминообразования в персидском и узбекском
языках (на материале общественно-политической терминологии).....33

Mirzakhmedova Khulkar Vasilovna

Principles and problems of term formation in Persian and Uzbek languages (based
on socio-political terminology).....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....67

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАХМЕДОВА ХУЛКАР ВАСИЛОВНА

ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТЕРМИН ЯСАШ
ПРИНЦИПЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ
(ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТЕРМИНЛАР МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Fil393 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маннонов Абдурахим Муталович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Дадабоев Ҳамидулла Арипович**
филология фанлари доктори, профессор

Имомназаров Муҳаммад Султонович
филология фанлари доктори, профессор

Ўрозбоев Абдулла Дурдибаевич
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail info@tsuos.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси в.в.б., филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Х.З. Алимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон терминологиясида термин тушунчаси, терминнинг лексик-семантик ва структур тузилиши сингари муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бугунги кунда терминологияни ўрганишда термин ҳосил қилиш, яшаш ва танлаш методлари, уларнинг маҳсулдор ва каммаҳсул усулларини аниқлаш, ясалаётган терминларнинг умумадабий тил меъёрларига мослиги, уларни ишлатиш, ўзлашмаларга муқобил бераётганда қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, халқаро термин яшаш принципларини дунё терминологиясига татбиқ қилиш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш масалалари юзага чиқмоқда. Шу боисдан, дунё терминшунослари бугунги кунга қадар шаклланган термин яшаш принциплари, назарий қоидалари, қолиплари ва уларнинг терминологиядаги самарасини аниқлашга эътиборини қаратишмоқда.

Дунё тилшунослигида ўтган асрнинг 30-йиллардан бошлаб, янги тушунча ва бирликларни ўрганиш, уларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, ҳар бир тил лексик таркибида юзага келаётган терминларнинг таркибий ва қўлланиш қирраларини ўрганиш, ўзлашмалар ва улар билан бир қаторда, ички имкониятлар асосида ҳосил қилинган терминлар, шунингдек, сўз семантик майдонининг ўзгариши ҳисобига вужудга келган янги лексик бирликларни таркибий ва семантик жиҳатдан ўрганиш эҳтиёжи ортди. Хусусан, Эрондаги “Форс тили ва адабиёти академияси”нинг фаолияти натижасида ҳозирги форс тилида ўзлашмага тилнинг ички имкониятлари асосида ясалган терминлар таклиф қилинмоқда. Ўзбек тилида эса кўпроқ ўзлашмалар, айниқса, русча-байналмилал терминлар ёки бирикмалардан фойдаланилмоқда. Форс ва ўзбек тилларидаги терминларнинг халқаро термин яшаш принципларига мослиги, деривациянинг самараси, ички имкониятлар асосида ясалаётган терминларнинг тилдаги ифодаси, юзага келган дублетлик, қолаверса, форс ва ўзбек тилларида термин яшаш усулларининг ISO 704 Халқаро стандартига мувофиқлигини аниқлаш масаласи ўз ечимини кутаётган муҳим вазифалардан биридир.

Мустақиллик йилларидан бошлаб, тилшунослар олдида соҳа адабиётларини ўзбек тилида нашр этиш ва махсус терминологик луғатлар системасини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди. Глобаллашув ва интернет даврининг жадаллашуви натижасида янгидан-янги неологизмлар, ижтимоий-сиёсий соҳада ўзлашмаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қўлланилиши юзасидан баъзи ечимини кутаётган масалалар юзага келди. Зеро, ўзбек терминлар тизимида байналмилал терминлар сони ортди, уларни муомалага киритиш ёки термин яшаш бўйича қатъий низомлар ишлаб чиқирилиши талаб этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Давлат тилини ривожлантириш департаменти” нинг ҳам терминларни қўллаш ва қабул қилиш бўйича ўзига хос қарашлари ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни ўзбек тилининг мавқеини ошириш лозимлиги юзасидан долзарбликни кун тартибига чиқармоқда. Форс ва ўзбек тилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга хос терминлар, бу терминологик тизимдаги ўзлашмаларга термин тақдим қилиш принципларини изоҳлаш —

терминологиядаги назарий асосларни тўғри тушуниш ва термин яшаш принципларини тўғри жорий қилишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони², Ф-5675-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимида давлат тилининг қўлланилишини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда бу фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Жаҳон терминологиясида терминлар ҳосил бўлишининг назарий асослари, концепциялари, ясалган терминлар назорати юзасидан қатор илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар фаолият юритмоқда. Жумладан, Vrije Universiteit (Амстердам), Vienna University (Австрия), Carlos University (Чехия), University Canada West (Канада), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари институти (Россия Федерацияси), Praga Carlov University (Чехия), Ankara University (Туркия), Tehran University (Эрон Ислом Республикаси), Тошкент давлат шарқшунослик университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

Бугунги кунда форс ва ўзбек терминологияси ҳамда тадқиқига бағишланган қуйидаги илмий ишлар қўлга киритилган, жумладан: Эронда тил сиёсати ва янги кириб келаётган ўзлашмаларга форсча эквивалент

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни 1989 йилда қабул қилинган (1995 йилда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

² <https://lex.uz/docs/5058351>

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги информацион ресурслар асосида амалга оширилган: <https://www.edworld.ru>, <http://www.iaas.msu.ru>, <http://www.ivran.ru>, <http://www.spbu.ru>, <https://ut.ac.ir/fa> <http://www.tsuos.uz>, <http://www.samdchti.uz>.

бериш билан шуғулланилган (Farghangestan-e zaban va adabiyat-e Iran, Эрон Ислом Республикаси), форс терминологияси ва терминографияси бўйича илмий тадқиқот олиб борилган (Tehran University, Allomeh Tabatabay University, Эрон Ислом Республикаси), ўзбек терминографияси бўйича ўзбек тилида луғатлар нашр этилган (ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти), ўзбек тилида ўзлашмалар ва терминологиясига оид илмий изланишлар амалга оширилган (Тошкент давлат шарқшунослик университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети), ўзбек, тожик тиллари терминларининг чоғиштирма таҳлили амалга оширилган (Самарқанд давлат Чет тиллари институти).

Бугунги кунга келиб, жаҳон терминологияси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: янгидан-янги тушунчалар учун терминларнинг мақбул вариантыни қабул қилиш бўйича илмий-назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш, таклиф қилинган терминларнинг тилда ишлатилиши, уларнинг сермахсул ясалиш усуллари, тилда ўзлашганлик даражаси ёки тилдан чиқиб кетиш сабабларини аниқлаш, терминларни унификациялаш ва стандартлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумий терминологиянинг юзага келиши, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, термин ясалишининг назарий аҳамияти ва амалий хулосалари, терминография ва унинг тараққиёти каби масалаларнинг тадқиқи Э. Вюстер, Х. Фельбер, Ж. Слиско, Х. Сомерс, Ж. Сейжер, Г. Рондеу, Р. Теммермен, К. Кагеура, Ф. Николет, Р. Жекендоф, Л. Питер, А. А. Реформатский, В. П. Даниленко, Д. С. Лотте, А. В. Суперанская, В. В. Петров, А. Д. Хаютин, ўзбек олимларидан С. Ақобиров, Э. Бегматов, Р. Дониёров, А. Ҳожиёв, Х. Дадабоев, А. Мадвалиев ва А. Қуронбеков⁴ каби терминшуносларнинг адабиётларида ўз ифодасини топган.

⁴ Wuster E., Einführung in die Allgemeine Terminologielehre und terminologische Lexicographie. - Vien; N.Y., 1979/Bd 1-2; Felber H. International standardization of terminology – theoretical and methodological aspects. – Paris, Vienna, 1977. – 402 p.; Слиско J. The Role of Scientific Terminology in Research and Teaching // Journal Of Research In Science Teaching. VOL. 34, NO.6, 1997. – P. 655-660; Somers, H. Terminology, LSP and Translation, John Benjamin Publishing, Amsterdam, 1996. – P. 15-22; Sager, J.C. A Practical Course in Terminology Processing. Amsterdam: J. Benjamins, 1990. – 214 p.; Rondeau G. Introduction a terminologie. Quebec, 1980. – 210 p.; Temmerman, R. Towards new ways of terminology description. The sociocognitive approach. – John Benjamins Publishing Company, 2000. – 300 p.; Kageura, K. The dynamics of terminology. – John Benjamins Publishing Company, 2002. – 140 p.; Nicolette F. Understanding Terminological Systems I: Terminology and Typology // Methods of Information in Medicine, April 2000. – 39(1). – P. 16-21; Jackendoff, R. Semantics and cognition. – Cambridge, Mass: MIT Press, 1983. – 200 p.; Consciousness and the computational mind. – Cambridge, Mass: MIT Press, 1987. – 187 p.; Semantic structures. – Cambridge, Mass: MIT Press, 1990. – 136 p.; Peter L. Terminology and Terminological Systems. – Mount Sinai School of Medicine, USA: New York, 2012 // <https://doi.org/10.1007/978-1-4471-2816-8>; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 536 с.; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука, 1977. – 247 с.; *Он же*. Современные проблемы русской терминологии. – М.: Наука, 1986. – 114 с.; Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. – М.: Наука, 1982. – 154 с.; *Он же*. Образование и правописание трехэлементных научно-технических элементов. – М.: Наука, 1969. – 119 с.; *Он же*. Краткие формы научно-технических терминов. – М.: Наука, 1970. – 82 с.; Суперанская А.В. Общая терминология. – М.: Наука, 1989. – 243 с.; Петров В.В. Семантика научных терминов. – Новосибирск: Наука, 1982. – 128 с.; Хаютин А.Д. Термин, терминология, номенклатура. – Самарканд, 1972. – 129 с.; Ақобиров С. Ф. Тил ва терминология. – Т., 1968. – 48 б.;

Форс тилида юзага келаётган лексик бирликлар⁵, Эрондаги тил вазияти ва сиёсати⁶, ўзлашмалар ва уларга муқобил бериш⁷, форс тили учун Эронда ташкил этилган “Тил академиялари”⁸, уларнинг қўлланишга киритаётган терминлари⁹, терминларнинг структур-семантик таҳлиллари¹⁰, форс тили сўз яшаш имконияти асосида юзага келган терминлар¹¹, стандартлаштириш¹² бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбек тили учун эса Атамашунослик қўмитаси томонидан таклиф этилган терминлар ва уларнинг таркибий ва семантик таҳлили, термин тақдим қилиш усулларининг самараси каби масалалар турли тадқиқотлар объекти бўлган¹³. Шунга қарамай, форс ва ўзбек тилларида термин яшаш принципларининг халқаро терминология стандартига мувофиқлиги, лексикологиядаги сўз яшаш усулларининг умумий терминологияда тутган ўрни ва самараси, форс ва ўзбек ижтимоий-сиёсий терминологиясидаги

Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. – 200 б.; Дониёров Р. Терминларни ўзлаштириш мезонлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. Илмий журнал. 1991/6. – Б. 21-25.; Хожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996. – 46 б.; Dadaboyev H. O‘zbek terminologiyasi. – Т., 2020. – 142 б.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – Б. 407; Куранбеков А. Проблемы формирования научно-технической терминологии в современном персидском языке // Вопросы филологии. – М., 2003. – № 2/14. – С. 16-18.

⁵ Tackallou S. H. Evaluation of Persian Academy approved genetics terms acceptance in upper graduate user population. Journal of Paramedical Sciences (JPS). – Spring 2012 Vol.3, No.2 ISSN 2008-4978.; Куранбеков А. Проблемы формирования научно-технической терминологии в современном персидском языке // Сб. Вопросы филологии. – М., 2003. – № 2/14. – С. 16-18.; Terminological Activities at the Academy of Persian Language and Literature (APLL) // The Open Language: A Research on Language and Modernity. – Tehran: Nashr-e Markaz, 2012. – P. 112-121.; Сотова О. М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке: Дисс... канд. филол. наук. – М., 2008. – 201 с.

⁶ Сухоруков А. Н. Влияние пуристической деятельности Академии персидского языка и литературы на современный персидский язык (недоступная ссылка), Ученые записки Таврического национального университета им В. И. Вернадского. Том 24 (63). № 3, 2011. – С. 169-175; Узина М. С. Пуризм как проявление национализма в словотворческой деятельности в Иране и Турции (20-70-е годы) // Народы Азии и Африки, № 4. – М., 1980. – С. 136-139.

⁷ Zarnikhi A. A Case Study of Physics Terminology Creation in Persian // Language Development and Scientific Development // In Journal of Terminology 2005:11(2). – P. 293-309; Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране: Дисс... канд. филол. наук. – М., 2006. – 271 с.

⁸ کیا ص. . فرهنگستان های ایران: پیشنهاد شما چیست؟ شماره // اسعدی م. فرهنگستان های ایران، ترکیه و هند. مجله نشر دانش. – تهران، 1990، 8. – تهران، 1972.

⁹ Исмаилов А. К. Вопросы нормирования лексического состава персидского языка и деятельность Академии языка и литературы // Исследования по восточным языкам. – М., 1981.

¹⁰ Наджафов Г. Г. Проблемы терминологии современного персидского языка: Дисс... канд. филол. наук. – М., 1976. – 129 с.

¹¹ Cooper R. L. Language Planning and Social Change. – Cambridge: Cambridge University Press, 1989. – 234 p.; Рубинчик Ю. А. Некоторые особенности формирования и развития лексики современного персидского языка (период до революции 1979 г.) // Развития языков в странах зарубежного Востока. – М., 1983. – С. 126-139.

¹² Месаамед В. И. Калькирование как один из способов пополнения словарного состава современного персидского языка: Автореф... дисс. канд. фил. наук. – М., 1984. – С. 24.

¹³ Reza M. Standardization of Physics Terms in Persian. In Czap, Hans/Galinski, Christian (eds.), TKE’87: Proceedings of International Congress on Terminology and Knowledge Engineering (the supplement). – Frankfurt: INDEKS Verlag, 2000. – P. 176-179.

¹⁴ Ақобиров С. Ф. Тил ва терминология. – Тошкент, 1968. – 48 б.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Т.: Фан, 1977. – 160 б.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. – 200 б.; Ўзбек илмий-техникавий терминологияси масалалари. – Т., 1985. – 154 б.; Қосимов Н. Ўзбек техникавий терминологиясида синонимлик ва уни бартараф этиш йўллари / Н. Қосимов // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Т., 1986. – Б. 63-80; Хожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996. – 46 б.

дублетлик, ўзлашмаларнинг ўзлашаётган тиллардаги иштироки масаласини чоғиштирма аспектда тизимли ўрганиш долзарблик касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари” мавзуидаги илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади форс ва ўзбек тилларидаги қўлланган ижтимоий-сиёсий терминлар мисолида термин яшашнинг ISO 704 Халқаро стандартининг термин яшаш принциплари билан ўзаро мувофиқлигини аниқлаш, сўз яшаш усуллари ва моделларининг самарасини белгилаш, ўзбек терминологияси учун термин яшаш тартибини таклиф қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқ ва ғарб мамлакатларидаги терминология мактаб ва марказларининг термин яшаш бўйича таклифларини таққослаш;

форс тилида “Тил академиялари”, ўзбек тилида Атамашунослик қўмитасининг термин танлаш борасидаги ёндашувларини таққослаш орқали фарқли ва ўхшаш қирраларини очиқлаш;

форс ва ўзбек тилларида термин яшаш анъаналари ва замонавий тенденцияларини чоғиштириш;

форс ва ўзбек терминологиясидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг ясалиши, тиллардаги сўз яшаш усуллариининг аҳамияти ва ўрнини белгилаш;

форс ва ўзбек терминологиясида умумлексиканиннг терминлашиш жараёнини очиб бериш;

форс ва ўзбек тилларида вужудга келаётган дублетлик сабаблари ва уларнинг тилда ишлатилиш ҳолатларига ойдинлик киритиш;

ўзбек тили учун ISO 704 халқаро терминология стандарти тажрибаси асосида термин яшаш тартибини белгилаш.

Тадқиқотнинг объектини 1991 йилдан бери Эроннинг учинчи *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Форс тили ва адабиёти академияси” томонидан таклиф қилинаётган ижтимоий-сиёсий терминлар, ўтган асрнинг 90-йиллардан бери Атамашунослик қўмитаси томонидан таклиф қилинган материаллар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини форс ва ўзбек тилларида термин яратиш бўйича давлат сиёсати, ҳар икки тилда терминларнинг ясалиш усуллари ва моделлари, муомалага таклиф этилаётган терминларнинг амалда қўлланилиши, умумлексик сўзнинг терминлашуви ҳамда дублет терминларнинг тилда ишлатилиши масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида таснифлаш, тавсифлаш, чоғиштириш, компонент таҳлил, статистик таҳлил қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Европа ва шарқ мамлакатларидаги терминология мактаб ва марказларидаги термин яшаш бўйича назарий асосларнинг ISO 704 Халқаро стандартининг қоидалари билан ҳамоҳанглиги исботланган;

ISO 704 халқаро стандартида белгиланган термин яшаш қоидалари алькалаш, бирикма термин ва аббревиатуралар ҳосил қилиш усулларининг форс ва ўзбек тиллари терминологиясидаги термин яшаш қоидалари билан мувофиқлиги исботланган;

форс ва ўзбек тилларида ўзлашмаларга муқобил бериш мақсадида ҳар икки тиллардаги термин билан шуғулланувчи ташкилот томонидан арабча, форсча, европа тилларидан ўзлашган қатлам таклиф қилинган ҳамда тилларда синонимия ва стилистик синонимия каби салбий ҳодисалар ривож топгани очиқланган;

форс ва ўзбек тилларининг термин танлаш бўйича таркибий, морфологик, фонетик ва синтактик, аббревиатуралар яшаш хусусиятлари жиҳатидан ўхшаш ва термин ясовчи элементлардан фойдаланиш, миллий термин яшаш, калькалаш жиҳатидан фарқли қирралари кесишмаси исботланган;

ISO 704 Халқаро Стандартида аббревиатура яшаш бўйича таклиф қилинган усулларнинг Йўриқномада мавжуд эмаслиги, бу жиҳат форс тилининг ички специфик-график хусусияти билан боғлиги, ўзбек тилида эса Атамашунослик кўмитаси Низомида қайд этилган усуллардан ташқари, бошқа усуллар билан қисқартмалар, айниқса, топонимлар яшашда ўзбек тилининг сўз яшаш қоидаларига риоя этилмагани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилар билан белгиланади:

термин ясалишининг назарий ва эмпирик асослари юзасидан монография яратилган;

فرهنگستان زبان و ادبیات ایران *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” ва Атамашунослик кўмитаси киритган терминлар асосида термин танлаш ва яшаш низомлари, деривация ва моделларнинг самараси, ўзлашмаларнинг ўзлашаётган тилдаги ифодаси ва улардан фойдаланиш мезонлари ишлаб чиқилган;

форс ва ўзбек тилларидаги термин танлаш бўйича таклифларининг умумий ва хусусий томонлари билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар матни тайёрланган;

ISO 704 Халқаро стандарти, Эроннинг учинчи فرهنگستان زبان و ادبیات ایران *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” термин яшаш йўриқномаси ҳамда ўзбек тили учун 1990 йилда тузилган Атамашунослик кўмитаси Низомларининг термин яшаш тамойиллари, қолаверса, асосида ўзбек тили учун термин яшаш принциплари таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги терминологияда методик ва назарий асосланган илмий хулосалар, Эрондаги “Форс тили ва адабиёти академияси”нинг Учинчи академия фаолияти давомида нашр этилган тўпламлари, форс тилидаги даврий ва соҳавий нашрлар, ўзбек тилида 1990-

2021 йилларда “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарининг “Ижтимоий фикр” рунларида эълон қилинган материаллар, қолаверса, диссертацияда кўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияси, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, шунингдек, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ISO 704 Халқаро терминология стандартида термин яшаш масаласининг ҳал этилиши, умумий термин яшаш принципларига бўлган ёндашувлар, умумий ва хусусий тилшуносликдаги сўз ясаиш қонуниятларининг терминологиядаги ўрни ва мавқеини аниқлаш, форс ва ўзбек терминологияларидаги деривациянинг термин яшашга таъсири, шунингдек, ўзлашмалар ўрнига таклиф қилинаётган терминларнинг тиллардаги ифодаси масаласини ўрганишда қимматли далиллар бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациядаги илмий хулосалар ва амалий натижалардан “Эроний тилларда терминология масалалари”, терминология бўйича умумий курс, ўзбек ва форс тилларининг чоғиштира грамматикаси каби ўқув курсларида фойдаланиш, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар ёзиш ҳамда соҳа терминларининг икки, уч тилли, айниқса, изоҳли луғатларини тузишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Ўзбек тилини ривожлантириш департаменти”нинг термин танлаш бўйича келажакда ишлаб чиқадиган назарий қоидаларига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Форс ва ўзбек тилларида термин ясаиши, унинг назарий асослари ва тилда қўлланилиш хусусиятлари таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

“Форс ва ўзбек тилларидаги дублет терминлар ва уларни унификациялаш масаласи” бўлимида келтирилган айрим ижтимоий-сиёсий терминлар ва ашёвий мисоллар Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик халқаро форуми”да фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қомитасининг 2021 йил, 10 сентябрдаги 2-сон маълумотномаси). Натижада форс ва ўзбек тилларидаги айрим ижтимоий-сиёсий бирикмалар ва терминлар таржимасидаги тафовут ва ўхшаш қирралари аниқланиб, таржимани тўғри амалга оширишга асос бўлган;

форс тилидаги терминларнинг ишлатилиши, ўзлаш-маларнинг тилдаги ифодаси ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси, асл эроний тиллар таркиби асосида яратилган терминлар юзасидан айтилган фикрлар асосида “Форс тили” дарслигининг “Қадимги ва ўрта форс тили сўз яшаш элементларидан ясалган терминлар” бўлимини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 4-май 285-сон буйруғи). Натижада, тадқиқот материаллари қадимги ва ўрта форс тили сўз яшаш элементларининг термин яшашдаги иштирокини батафсилроқ ўрганишга замин яратган;

форсча ва ўзбекча ижтимоий-сиёсий терминлар, улардаги дублетлик ва уларнинг матнларда учраши, сўз яшаш моделлари асосида ясалган терминларнинг ишлатилиши, таржима хусусиятларидан “Чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш сертификати” тақдим этилиши кўзланган “Форс тили даражасини билишга оид бўлган тестлар” тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Марказининг 2021 йил, 22 ноябрдаги 250-сон маълумотномаси). Натижада форс тили даражасини аниқлашга оид тестлар тузишда (лексик ва грамматик компетенциялар бўлимида), шунингдек, форс тилини билишга қаратилган ёзма ва оғзаки компетенцияларни аниқлаш учун берилган вазифаларни шакллантиришга хизмат қилган;

диссертациянинг “Форс ва ўзбек тилларида қисқартмалар ҳосил қилишнинг илмий-фактологик асоси” бўйича хулосаларидан “O‘zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Такдимот” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 3 декабрдаги 01-40-1806-сон маълумотномаси). Натижада 1989 йилда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, ўзбек тили терминологиясида юз берган ўзгаришлар, хусусан, ўзбек тилида қўлланилувчи араб ва форс тиллардан ўзлашмаларнинг семантик маънолари, уларнинг ўзбек тилида ишлатилиши, ясалган, қабул қилинган ҳамда калькаланган бирикмаларнинг ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминологиясида қўлланиши, “Олий Мажлис”, “Вазирлар Маҳкамаси”, “ахборот”, “оромгоҳ”, “Яшнаобод” терминларининг семантик чегарасига эътибор берилмай ишлатилиши, уларнинг ўзбек лексикасида тутган ўрни тўғрисидаги маълумотлар илмий-тарихий далиллар асосидаги туркум кўрсатувлар тайёрлашга замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 5 та илмий-амалий анжуманлар, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола нашр этилган, шундан 10 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми адабиётлар рўйхатидан ташқари 235 саҳифа матндан таркиб топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Термин яратиш бўйича халқаро стандартлар ва тажрибалар**» деб номланиб, унда Европа терминология мактаблари ғоялари ва стандартлари, Шарқ мамлакатларидаги термин яшаш академиялари ва уларнинг назарий ва амалий тажрибаси, Эрондаги Учинчи “Форс тили ва адабиёти академияси”нинг ўзлашмалар борасидаги ҳаракатлари ва термин танлаш мезонлари таҳлили, ўзбек тилида “тил сиёсати” ва Атамақўмнинг ташкил топиши хусусида таҳлил ва талқинлар тақдим этилган.

Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй бераётган жараёнларда ишлатиладиган терминларнинг қўлланилиш чегарасини белгилаб олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки термин лексик қатламнинг узвий қисми бўлгани боис термин тил назариясининг барча қоидаларига беистисно бўйсунди. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги терминологиядаги асосий муаммо – бугунги кунга қадар шаклланган термин яшаш анъана ва қолипларининг туб моҳиятини ўрганиш, барча тилларда термин ясалиш ёки ўзлашмаларга муқобил термин тақдим қилиш жараёнларининг яқдил йўналишини ўрнатишдан иборатдир. Зеро, термин яшаш – қолиплар асосида воқеаланувчи тайёр жараён бўлибгина қолмай, тилнинг ўзида рўй берувчи жиддий ва қийин кечувчи механизм ҳисобланади.

Термин яшаш ёки ўзлаштириш усулларига қизиқиш ўтган асрнинг 70-80-йилларига бориб тақалади. Бунинг натижасида олимлар “... терминлар “пайдо бўлмайди”, улар эҳтиёж натижасида “ўйлаб топилади”, “ҳосил қилинади” (“яратилади”)...”¹⁴, яъни ясалади, деган хулосага келишган. Хусусан, Ж. Сейжер термин ясалишида бирламчи термин ясалиши ва иккиламчи термин ясалишини бир-биридан фарқлайди¹⁵.

Бирламчи термин ясалиши маълум ҳодиса ёки тушунчага берилган таъриф (дефиниция) ёки номланиш натижасида юзага келади (яъни бу жараён прескриптив метод орқали амалга оширилади).

¹⁴ Масалан қаранг: Татаринов В. А. История отечественного терминоведения. Направления и методы терминологических исследований: Очерк и хрестоматия. Т. 2. – М., 1995. – С. 242.

¹⁵ Sager J.C. A practical course in terminology processing. – Amsterdam: John Benjamins, 1990. – P. 80.

Иккиламчи термин ясалиши эса икки ҳолат, яъни:

а) муайян терминни морфологик, грамматик ва фонетик жиҳатдан ўзлаштириш;

в) бирор термин ўрнига тилнинг ички имкониятларини ишга солган ҳолда дериватив усулда янги термин таклиф қилиш (яъни дескриптив метод) орқали амалга оширилади.

Европада қатор олимлар илк бор терминология тилшуносликнинг бир тармоғи экани, терминларни ўрганишнинг илмий методлари, терминларнинг сўздан фарқланиши, термин ва сўз ўртасидаги чегаралар қатъий назарий қоидаларга бўйсунуши, терминлардан фойдаланишнинг қулай бўлиши учун уларни стандартлаштириш лозимлиги ҳақидаги илмий-назарий асосларни илгари сурдилар ¹⁶. Е.Вюстер илк бор терминологияни алоҳида фан сифатида ўрганиш таклифи билан чиқади. Унинг ушбу хулосалари тилшуносликда Ф.де Соссюрнинг структур тилшунослик борасидаги илмий қарашларининг давоми сифатида талқин қилинади¹⁷. Е.Вюстер таклиф қилган назарий ғоялар кейинчалик ҳар бир мактаб илмий-назарий таклифларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бунда терминология мактаблари доирасида қуйидаги илмий-назарий қарашлар ва асосий йўналишлар юзага келди:

1) Е.Вюстер таълимнинг давомчиси ҳисобланмиш германиялик Х.Фельбер – “ҳар бир термин тушунча асосида шаклланади”,-деган Вена мактаби ғоясини тарғиб қилган;

2) Прага мактабига хос йўналиш сифатида чех олими Л.Дрозд терминнинг таркибий хусусиятларини ўрганиш термин ясашда юқори натижа беришини қайд этади;

3) “Терминларни унификациялаш ва улардан фойдаланишда халқаро стандартларнинг шкаласини белгилаб олиш” бўйича йўриқларни рус олимлари Э.Дрезин ва Д.С.Лоттелар таклиф қилишган¹⁸.

<i>Мактабларнинг ўхшаш қирралари:</i>	<i>Мактабларнинг фарқли қирралари:</i>
Терминологик таҳлилнинг илк нуқтаси тушунчадир, деган фикрга таянилди.	Вена терминология мактабида бирикма терминлардан қўшма терминлар ҳосил қилишнинг <i>семантик йўллари</i> таклиф қилинади. Прага мактабида қўшма терминларни ҳосил қилиш <i>сўз ясаш моделлари</i> асосида амалга оширилиши борасида таклифлар киритилган. Россия

¹⁶Wüster, E. Einführung in die Allgemeine Terminologielehre und terminologische, lexikographie. 3. Edition, Romanistischer Verlag, Bonn 1979; Kohler H. The general theory of terminology: a literature review and a critical discussion. International business communication, Copenhagen business school, 2009 .

¹⁷ Kohler H. The general theory of terminology: a literature review and a critical discussion. International business communication, Copenhagen business school, 2009 . – P.13.

¹⁸ Protopopescu D. Theories of terminology – past and present // Sign Language & Linguistics. № 14. – Cambridge, MA: Blackwell. – P. 148-178.

	мактаби эса <i>қўшма терминлар</i> да лексик муносабатларнинг мавжудлигини илгари сурган
Терминология мактаблари термин ясалишини икки метод орқали таҳлил этади: а) прескриптив метод; б) дескриптив метод.	Бирикма ва қўшма терминларнинг <i>эллипсис ҳодисасига</i> учраши ҳақидаги ғоя Вена мактабига тааллуқли бўлган. Прага мактаби эса қолиплар асосида ясалган терминни <i>бутунлигича</i> қўллаш тарафдори эди. Россия терминология мактаби <i>аббревиатурадан</i> фойдаланиш таклифини билдирган.
Учала мактаб терминларни таркибий жиҳатдан туб, ясама, қўшма ва бирикма терминларга ажратади.	1) Вена мактаби юнон ва лотин тилларига оид сўзларни жонлантириш, уларга миллий тилдаги аффиксларни қўшиш орқали термин ясашда яхши самара беришини эътироф этган. 2) Прага мактаби <i>ўзлашаётган терминга</i> миллий тилдаги аффиксларнинг қўшилиши кўзланган мақсадга эришишнинг осон йўли эканлигини таъкидлаган. 3) Россия мактаби эса халқаро байналмилал сўз-элементлардан термин яшаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган.
Вена, Прага ва Россия мактаблари терминларни стандартлаш, бир тушунча учун фақат битта терминдан фойдаланиш лозимлиги фикрида яқдил.	Прага ва Россия терминология мактаблари символ-белгилардан фойдаланиш бўйича қатор таклифлар киритган, Вена мактабининг бу ҳақдаги фикрлари кузатилмади.
Ҳар учала мактаб калька терминлар фонднинг бойишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди.	

XX асрнинг 30-йилларга келиб, Шарқ минтақасининг баъзи мамлакатлари, масалан, Туркия, Эрон ва Мисрда тилнинг ижтимоий функциясини сақлаб қолишга уриниш – пуризм ҳаракати юзага келгани ҳақида хабар берилади¹⁹. Шунга мувофиқ, араб давлатлари тили, турк тили ва форс тили терминологияси, зикр этилган мамлакатларда юзага келган тил сиёсати ва вазияти натижасида шаклланишган назарий ҳамда амалий тажрибалар юзасидан таҳлиллар олиб борилган.

Араб давлатлари тил академиялари. Тилда неологизмларнинг пайдо бўлиши, кундалик ҳаётда тез-тез учровчи терминлар нафақат соҳа

¹⁹ Қаранг: Пейсиков Л. С. Лексикология современного персидского языка. – М.: МГУ, 1975. – С. 32; Куронбеков А. Форс тили лексикологияси. – Т., 2009. – Б. 73.

мутахассислари, балки умумистеъмолдаги лексика учун ҳам тушунарсиз бўлиб бораверди. Натижада, араб тилига кириб келаётган ўзлашмаларга шу тилда муқобиллар тақдим қилиш, араб тили мавқеини сақлаб қолиш мақсадида 1933 йилда расмий равишда Миср (Қоҳира)да “Миср академияси” очилган²⁰ (кейинчалик– Академия, деб юритилади). Шундан сўнг шарқ мамлакатларида бир қатор “Араб тили академия”лари ташкил этилди. Масалан, 1947 йили Ироқда “Ироқ араб тили академияси”, 1976 йили Иорданияда “Иордания араб тили академияси”, 1983 йили Тунисда “Тунис фанлар, адабиёт ва санъат академияси”, 1993 йили Суданда “Судан араб тили академияси”, 1994 йили Фаластинда “Фаластин араб тили академияси” ўз ишини бошлаган. Ҳар бир Академия муайян ўзлашмага ўз нуктаи назаридан ёндашиб, терминлар тақдим қила бошлаган²¹. Оқибатда араб тилида термин тақдим қилиш учун 7 та академия ўз фаолиятини олиб борган бўлиб, муайян бир терминнинг бир неча вариантлари юзага келишига сабаб бўлган.

Турк тили термин яшаш академияси. 1923 йилда Туркияда бўлиб ўтган инқилоб натижасида 1932 йилдан бошлаб, “Тил ислоҳоти”га жиддий эътибор берилди. Имкони борича янги туркча сўзлар ҳосил қилинди. Бунда энг аввало, турк тилининг элементлари, аффикслари, архаик сўзлар ва бирликларни тилга қайтаришга ҳаракат қилинди. Академиянинг мавқеини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган “Turk Dil Kürümü” (“Турк тили жамияти”)юзага келди. Ҳозирги кунда ҳам қанчалик турк тилини ўзлашмалардан “тозалаш”га ҳаракат қилинмасин, мазкур тил лексикаси шунчалик ўзлашмалар билан бойиб бормоқди. Қайд этилишича, жараён шу даражада давом этса, яқин кунларда мактабларда турк тилининг ўрнига инглиз ва француз тилларида дарслар ўтилиши мумкин²². Зеро, интернет саҳифалари ва янги нашрдан чиқаётган китобларнинг аксарияти инглиз тили терминлари билан бойитилмоқда. Бу вазиятни яхши тушунган “Турк тили Академияси” интернет саҳифаларидаги терминлар ҳамда мобиль телефонлардаги инглизча терминларга иложи борича, туркча муқобил беришга киришган. Бунинг оқибатида, турк тилида дублетлар сонининг ортиши кузатилмоқда.

Форс тили академияси. XX асрнинг боши (1906-1911 йиллар)да Эронда “Конституцион инқилоб” бўлиб ўтди. Инқилоб натижасида форс тилида “сўз танқислиги”²³ бошланди, яъни ғарб тилларига хос сўзлар форс тилига кириб келди. 1936 йилда Муҳаммад Ризошоҳ форс тили лексикаси таркибидан араб ва бошқа тиллардан кирган ўзлашмаларни чиқариб ташлаш, ўрнига форс тили имконияти доирасида муқобил келтириш ҳамда

²⁰ Скворцова И. В. Особенности экономической терминологии современного арабского литературного языка (на материале арабской прессы начала XXI века): Автореф... дис. канд. филол. наук. – М., 2008. – С. 22.

²¹ Darwish A. Terminology and translation: a phonological-semantic approach to Arabic terminology. – Australiya, 2009. – P. 40.

²² Володина Е. Г. Лексические заимствования из английского языка в современном турецком языке (на материале периодике): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2007. – С. 34.

²³ Пейсиков Л. С. Лексикология современного персидского языка. – М.: МГУ, 1975. – С. 139.

она тилнинг софлигини сақлаб қолиш мақсадида *فرهنگستان ایران farhangestān-e irān* “Эрон академияси”ни ташкил этди ва у 1941 йилгача ўз фаолиятини давом эттирди. 1968 йилда Иккинчи Академия (1979 йил, яъни Ислом инқилобига фаолият юритган) ўз ишини бошлади. Аммо кўзланган мақсадга эришилмади. 1991 йилда *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Форс тили ва адабиёти академияси” (кеинчалик – академия) ташкил этилди. У то ҳозирги кунга қадар барча соҳаларга бирдек ўзлашмаларга форсча муодил таклиф қилиш билан шуғулланмоқда. Академия ўзининг *اصول و ضوابط و اژه گزینی osul va zavābet-e vāžegozini*²⁴ “Сўз танлашнинг усул ва қоидалари” йўриқномасини (кеинчалик – Йўриқнома) ишлаб чиққан. Мазкур Йўриқнома ISO 704 стандарти асосида шакллантирилган бўлиб, йўриқномада бу стандартда белгиланган талабларга ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд²⁵.

Араб давлатлари, Туркия ҳамда Эронда бир вақтда бошланган тил сиёсати ҳаракатлари натижасида Шарқ мамлакатларида юзага келган Академияларнинг *умумий жиҳатлари* қуйидагилардан иборат:

1. Араб, Турк ва Эрон тил академиялари ҳукуматлар томонидан ташкил этилган бўлиб, миллий тилнинг ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш, уларни ўзлашмалардан “тозалаш” мақсадини ўзида жамлаган эди.

2. “Араб давлатлари тил академиялари”, “Turk Dil Kürumi”, “Форс тили Академиялари”нинг қошида ишчи гуруҳлар шакллантирилган.

3. Академияларда терминларни ясашда қуйидаги муштарак усуллардан фойдаланилган:

1) тилнинг сўз ясаш имкониятларидан унумли истифода этиш; 2) тилда мавжуд сўзларга янги маъно оттенкаларини юклаш; 3) калькалаш; 4) сўз ўзлаштириш; 5) бирикма терминлар ясаш; 6) аббревиатура ва акронимлар ҳосил қилиш.

4. Академияларнинг таклифлари натижасида тилларда дублетлик воқеланган.

5. Байналмилал терминларни ҳам тилнинг ички имконияти доирасида ҳосил қилишга интилиш кузатилган.

6. Илмий тилда ва оммавий ахборот воситаларида таклиф қилинган терминдан, амалий жараёнда эса ўзлашмалардан фойдаланиш авж олди.

Академияларнинг *фарқли жиҳатлари* қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланади:

1. Академиялар шу кунга қадар турли ривожланиш босқичи ва йўллари босиб ўтди. Чунончи:

1) бугунги кунда араб давлатларида термин тақдим қилиш мақсадида 7 та “Академия” фаолият юритади;

2) 1932 йили Туркияда шакллантирилган жамият - Turk Dil Kürumi терминлар тақдим қилишда давом этмоқда;

²⁴ اصول و ضوابط و اژه گزینی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388. ص. 58.

²⁵ Бу ҳақда ишнинг 4-бобида фикр юритилади.

3) Эронда “Биринчи”, “Иккинчи”, “Учинчи” Академиялар мавжуд Йўриқномага мувофиқ терминлар ясайди.

2. Шунга қарамасдан:

1) Араб давлатларида Академиялар тақдим этган терминларни мувофиқлаштирувчи бюро фаолият юритади ва ушбу ташкилот тасдиғидан сўнг муайян термин қўлланиш учун жорий этилади;

2) Туркияда “Turk Dil Kürumi” қурултойларида ҳар бир термин муҳокама қилиниб, тасдиқлангандан сўнг эълон қилинади;

3) Эронда соҳа мутахассислари томонидан таклиф этилган термин аввал Академия йиғилишларида муҳокамадан ўтади, кейин шу термин юзасидан оммавий ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий сўровнома ўтказилади. Маъқул топилган термин ҳукумат тасдиғи учун тақдим қилинади. Термин тасдиқдан ўтганидан сўнг қўлланишга тавсия этилади.

3. Араб тилида дублетлар шу тилда янги ҳосил қилинаётган терминлар турк ва форс тилларида аксинча ўзлашмалар тақдим қилинаётган дублетлар ҳисобига тўғри келади.

4. Ҳар бир тилнинг ўз табиати, ички имконияти мавжуд бўлиб, улар бир-биридан термин ясашда усуллари ва моделларига кўра фарқ қилади.

Ўзбек адабий тили тарихида 80-йилларнинг охири–90-йиллар бошида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши натижасида жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва давлат тизимида она тили мавқеи ва нуфузини ҳимоя қилиш жараёни юз берди. 1989 йилда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ўзбек лексикасига янгича муносабатда бўлишни тақозо этди. 1990 йил 16 февралдан расман Атамашунослик кўмитаси иш бошлаган. Ушбу жараёндан сўнг, тахминан, 3-5 йил давомида илгаридан тилда қўлланишда бўлган терминлар, айниқса, русча-байналмилал қатламни қайтадан қараб чиқиш тенденцияси кучайиб кетди. “Бироқ бу кезларда терминларни алмаштириш ва ишлатишда маълум чалкашлик ҳамда хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Терминологияга хос меъёрларга ҳар доим ҳам амал қилинмади. Илгари муваффақиятли қўлланган терминларни муомаладан зўрма-зўраки сиқиб чиқариш, уларни сўз ясаиш қонуниятларига жавоб бермайдиган лексик бирликлар билан алмаштириш ҳаракати авж олди”²⁶. Айниқса, матбуот саҳифаларида рус тили орқали кирган сўзларга ўзбекча муқобил топиш ҳаракатлари жадаллашди. Бу ўринда тўғри ва нотўғри, ўринли ва ўринсиз, фойдали ва фойдасиз интилишлар аралашиб кетди. 1991 йилда “Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили ҳақида”ги Қонун ва ўзбек атамашунослиги муаммоларига бағишлаган Республика илмий-амалий конференциясида ўзбек терминологиясини тартибга солиш юзасидан 12 банддан иборат тавсия берилган²⁷.

Бу даврда ўзбек терминологиясида юз берган жараёнларни таҳлил қилган Ҳ. Дадабоев қуйидагича мулоҳаза юритади: “Ўзбек тилининг лексик

²⁶ Дадабоев Ҳ. Замоनावий ўзбек лексикографияси ва терминологияси. – Т., 2016. – Б. 16.

²⁷ Ўзбек тили ва адабиёти. 1991, 2-сон. – Б. 38-40.

хазинаси миллий сиёсатни акс эттирувчи ранг-баранг сўзлар ва терминлар билан кенгайди. Давлат бошқаруви органларининг тузилиши ва фаолият олиб бориши пировард натижада *Олий Мажлис, сенат, Вазирлар Маҳкамаси, қонун чиқарувчи орган, ижро этувчи орган, суд ҳокимияти, департамент, концерн, холдинг, компания, ҳокимлар институти, нодавлат ижтимоий бирлашма, масъулияти чекланган жамият* каби кўпдан-кўп терминларнинг муомалага киришига туртки берди”²⁸. Атамашунослик кўмитасининг “Ахборотнома”сида: “Илгари ўзбек тилида қўлланган ва нарсасиз-ҳодисани, у ҳақда янги тушунчани тўғри ифодалаган сўзлар, ҳеч қандай эҳтиёжсиз, рус тилидаги сўзлар билан алмаштирилган бўлса, бундай сўзлар яна ўз ўрнига тикланиши керак. Шу жиҳатдан ‘фоиз’, ‘инқилоб’, ‘зиёли’, ‘бекат’, ‘рисола’, ‘матн’ каби сўзларнинг қайта истеъмолга киритилиши жуда ўринлидир”²⁹,-шаклидаги қайд мавжуд.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Форс тилида термин яратиш принциплари**» деб номланади. Унда Эрондаги Тил академиялари томонидан таклиф қилинган, форс тили ички имконияти доирасида ясалган ижтимоий-сиёсий терминлар, уларнинг ОАВдаги ифодаси, деривация ва унинг самараси масаласи, классик форс тили элементларидан ясалган форсча ижтимоий-сиёсий терминлар ва уларнинг тилда ишлатилиши юзасидан таҳлиллар амалга оширилган.

Форс тилининг барча даврларида (қадимги форс тили, ўрта форс тили ва ҳозирги форс тили) сўз яшаш жараёни мавжуд бўлган ва бугунги кунда ҳам форс тилининг бойиш манбаларидан бири ҳисобланади. Зотан, илмий-техника ривожини барча тилларда, хусусан, форс тилида ҳам ўзлашмаларнинг ортишига боис бўлмоқда. Форс тили таркибида қадимги ва ўрта форс тили сўзлари, элементлари мавжуд бўлиб, айни дамда улардан Учинчи Академия томонидан тавсия қилинаётган терминлар яшашда фойдаланилмоқда. Эроний тиллар луғат таркибидан ўрин олган сўз ва элементлардан фойдаланиш борасида Академия Йўриқномасининг 3.2.бандида “Танланаётган сўз эроний тиллар гуруҳига оид тирик тил ва лаҳжалардан олиниши лозим”³⁰лиги алоҳида белгилаб қўйилган. Шунингдек, “...термин яшашда форс тили таркибида мавжуд бўлган, аввалдан тилда қўлланилган сўзларни танламай илож йўқ. Улар, ўз навбатида, назарда тутилаётган тушунчани ифодалаган тақдирда, улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ”,- деган фикрлар берилган³¹. Бу бўйича йўриқлар ISO 704 Халқаро стандартида ҳар бир тил ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз миллий стандартини ишлаб чиқиши мумкинлиги қайд этилган³².

²⁸ Дадабоев Х. Замоновий ўзбек лексикографияси ва терминологияси. – Т., 2016. – Б. 32.

²⁹ Ўзбек тили атамашунослиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик кўмитаси. –Т., 1992. – Б. 9-10.

³⁰ اصول و ضوابط واژه‌گزینی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388. ص. 30

³¹ اصول و ضوابط واژه‌گزینی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388. ص. 30

³² Terminology work – Principles and Methods // International Standard ISO 704. Second edition, 2000-11-15. Reference number ISO 704:2000 (E). – 32 p.

Шунинг учун ҳам классик форс тилидан буён ишлатилаётган паҳлавий, курдча, оромий сўзлардан янги маъно ифодаловчи термин ясалиши самарали усул сифатида белгиланган. Бу каби ясалмалар ўз қатлам ва ўзлашма қатлам каби гуруҳлаштириш амалга оширишни тақозо қилади. Шунга кўра, ўз терминларга асл форсча туб, асл форсча ясама ҳамда асл форсча бирикма терминлар киритилди. Улар этимологик жиҳатдан асл форс тилига мансуб бўлган сўзлар (терминологияда термин вазифасини бажаради) ҳисобланади. Асосан, классик форсча сўзлардан ясама ва бирикма терминлар яшаш сермаҳсул.

Паҳлавийча қатлам. *М.*, همه گیری *hamegiri* {наҳл. *hame*} ‘эпидемия’ (همه *hame* ‘барча’, ‘ҳамма’, ‘бутун’ ва گیری *giri* گرفتن *gereftan* ‘олмоқ’, ‘қўлга киритмоқ’ феълидан феълий яримаффикс). Бу ерда ясалманинг умумлексик маъноси - ‘ҳаммани қўлга олиш’, ‘ҳаммани мавҳ этиш’. Сўз ва яримаффиксал блок ёрдамида янги همه گیری *hamegiri* ясалган ва бугунги кун учун неологизм ҳисобланган ‘эпидемия’ термини учун Академия томонидан таклиф қилинган. Демак, همه گیری *hamegiri* ижтимоий-сиёсий термини اپیدمی *epidemi* ‘эпидемия’ ўзлашмаси ўрнига таклиф қилинган. Жамланган мисоллардан шу нарса маълум бўлдики, гарчи همه گیری *hamegiri* тўғри ясалма бўлса-да, айна дамда форс тили ижтимоий-сиёсий терминологияси кўп ҳолларда унинг ўрнига اپیدمی *epidemi* ўзлашмаси қўлланилиши кузатилди:

اپیدمی "کورونا" چه زمانی خاموش می شود؟

Epidemi-ye “korunā” ĉe zamāni xāmuš mišavad?³³

‘“Корона” эпидемияси қачон тўхтайдими?’.

Ёки ўзлашма билан бирга қавс ичида таклиф қилинган термин ишлатилади:

آیا واکسن کرونا، پایان بحران اپیدمی (همه گیری) است؟

*Āyā vāksen-e korunā pāyān-e boxrān-e epidemi (hamegiri) ast?*³⁴

‘Коронага қарши вакцина эпидемия бўҳронининг якуними?’.

Этимология жиҳатидан паҳлавийча ‘дўст’, ‘ёр’, ‘ҳамдам киши’ маъносини ифодаловчи یار *yār* сўзидан ҳосил қилинган, бугунги кун учун неологизм ҳисобланган یارانه *yārāne* ‘субсидия’ термини ясалган. Мазкур ясалманинг терминга айланиш жараёни: یارانه *yārāne* →лексема→ижтимоий-сиёсий термин.

Бу каби таклиф қилинган мисоллар талайгина. Масалан, صلخ دیرپا *solx-e dirpā* {наҳл. *deg*}, {наҳл. *pāy*} ‘узок тинчлик’ (صلخ *solx* ‘тинчлик’, دیر *dir* ‘кечки’, ‘кеч’, ‘охирлаб қолган’ ва پا *pā* 1. инсон тана аъзоси; 2. бирор нарсанинг охири, якуни);

سپاه صلخ *sepāh-e solh* {наҳл. *spāh*} ‘тинчлик корпуси’ (سپاه *sepāh* ‘лашкар’, ‘қўшин’, ‘қуролли кучлар аъзолари’) ва ҳ.к.

³³ <https://www.isna.ir/news/99022920806>

³⁴ <https://www.irna.ir/news/84290467>

Кузатишлар жараёнида, кўшма терминнинг ҳар икки компоненти ҳам паҳлавийча бўлган *مردم سالاری mardomsālāri* ‘демократия’ композиталарга дуч келдик. Бу ерда *مردم mardom* ‘халқ’, ‘омма’ маъносида умумлексикада юқори частота билан ишлатилади. Қолаверса, паҳлавий тилида ҳам фаол қўлланилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар форс тили лексикасида сақланиб қолган. *سالار sālār* {наҳл. *sālār*} ‘сардор’, ‘бошлиқ’, ‘катта’, ‘юқори’ маъносини ифодалаб, каммаҳсул сифат ясовчи бўлган. Ундан ижтимоий-сиёсий термин ясалган. Ашъвий мисолга диққат қаратамиз:

منتخابات از مهمترین عرصه‌های تجلی و ظهور مردم‌سالاری دینی است و ...

Montaxābāt az mohemtarin arsehā-ye tajali va zohur-e mardomsālāri-ye dini ast va ...

‘Сайловлар диний демократия намоён бўлишининг энг муҳим майдонларидан бири бўлиб...’³⁵.

Оромий қатлам: Тадқиқот давомида асл оромий сўзлардан ясалган ижтимоий-сиёсий терминларни ҳам саралаб олдик. Масалан, *فريب ferib* сўзи форс тилининг ўз бойлиги ҳисобланиб, оромий тилида {frep} шаклида ишлатилган. М. Муиннинг луғатида мазкур сўзнинг қуйидаги маънолари келтирилган³⁶:

1) “макр”; 2) “хийла”; 3) “найранг”; 4) “хунар кўрсатиш”.

Форс тили лексикаси таркибида мазкур сўз, асосан, ‘фириб бериш’, ‘найранг кўрсатиш’, ‘кўзини шамғалат қилиш’ маъносида қўлланади. *عوام avām* ‘халқ’, ‘авом’, ‘жамият’ сўзи билан бирикиб, кўшма сўзни юзага чиқарган ҳамда *عوام فريب avāmferib* ‘демагогия’ маъносидаги термини ҳосил қилинган. Қайд этиш керакки, *عوام avām* сўзи арабча бўлиб, *عام aām* нинг кўплик шаклидир. Худди шу маънони берувчи форс тили лексикасида қадимдан фойдаланишда қолаётган паҳлавийча *مردم mardom* сўзи мавжуд. Бу ўринда асл форсча сўздан эмас, ўзлашмадан фойдаланилган. Термин ясалаётганда ўзлашма (арабча) ва асл сўздан фойдаланилган. Оқибатда Академия Низомида келтирилган “асл эроний сўзларни жонлантириш” масаласи қисман амалга ошган. Зотан, форс тилида сўз ёки термин ясалаётганда беихтиёр равишда форс тили луғат фондига сингиб улгурган арабча сўзлардан фойдаланиш кузатилади. Демак, Академия фаолияти давомида классик форс тилидан ҳосил қилинган ижтимоий-сиёсий терминлар тўғри ва муваффақиятли ясалган, аммо уларнинг тилда қўлланилиш частотаси паст.

Форс тилида ҳам бошқа тиллардагидек, сўз ўзлаштириш, янги сўз яшаш қатори, муайян сўз маъносининг ўзгаруви ҳам лексик фонднинг бойишини таъминлайди. Маълум бир тушунчани ифодалаган умумлексик сўзга янги маъно юкланиши оқибатида унинг семантик доираси ўзгаради. Яъни маънонинг торайиши ва кенгайиши масаласи юзага келади. Бу борада Л. С. Пейсиков сўз маъно кўламининг силжишида қуйидаги усуллар

³⁵ https://jwsps.alzahra.ac.ir/article_1361.html

³⁶ عمید ح. فرهنگ فارسی عمید. تهران 1389 (2000). ص. 795.

устувор эканлигини қайд этади: а) полисемиянинг ривожланиши ва омонимларнинг юзага келиши; б) сўз семантик ҳажмининг торайиши ва тушунчанинг барқарорлашуви; в) сўзни эвфемистик ҳолатда қўллаш; г) семантик қисқариш³⁷.

Полисемиянинг ривожланиши ва омонимларнинг юзага келиши. Форс тилида *تسامح tasāmoh* сўзи ‘бир-бирини осон тушуниш’, ‘енгиллик’ маъносида умумлексика таркибида ишлатилади. Бу сўз арабча *اهل ahl* ‘аҳли’, ‘аъзо’ лексемаси билан синтагматик муносабатга киришиб, ‘толерант’ маъносини ифодаловчи *اهل تسامح ahl-e tasāmoh* изофий бирикма терминини юзага келтирган. Демак, қадимдан қўлланган сўз эндиликда термин вазифасини ҳам ўтамоқда.

Сўз семантик ҳажмининг торайиши ва тушунчанинг барқарорлашуви. Ушбу жараёни Л. С. Пейсиков сўз ҳажмининг семантик гипертрофияси³⁸, -деб атайди. Бунда муайян сўзнинг маъноси кенгайиб, “хос” сўз “умумий” сўзга айланади. *ساكن sāken* сўзи форс тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, изоҳли луғатларда унинг қуйидаги маънолари келтирилади:

1) ‘ҳаракатсиз (инсон)’; 2) ‘овозсиз’; 3) ‘тинч ҳолатда’; 4) ‘маҳаллий аҳоли’³⁹.

ساكن sāken лексемаси ижтимоий-сиёсий терминологияси тизимига ўтганда ‘резидент’ (‘элчидан бир даража қуйи дипломатик вакил’, ‘бирор давлатнинг чет элда доим яшайдиган фуқароси’, ‘бирор давлат разведкасининг бошқа давлат ҳудудида иш олиб борувчи вакили’⁴⁰) маъносини ифодаловчи терминга айланади.

Семантик қисқариш. Маълумки, гап қурилишида гап бўлақларининг синтагматик муносабати жумла маъносига ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди. Сўз ёки терминлардан бирининг бирикма ёки гапда тушиб қолиши уларнинг маъно қурилишига таъсир қилмайди, сўз ёки терминнинг юқини бошқа бир бўлақ ўз зиммасига олади. Бу ҳолат тилшуносликда эллипсис ҳодисаси билан изоҳланади. Паҳлавий тилидан ҳозирги кунга қадар етиб келган *زنده zende* [наҳл., zindak] сўзи қуйидаги маъноларни англатади:

1) ‘жондор’; 2) ‘тирик’; 3) ‘жони бор’; 4) ‘улкан’, ‘улуғвор’⁴¹.

زنده zende сўзи билан бирикиб, юзага келган *گزارش زنده gozāreš-e zende* ифодаси мавжуд бўлиб, ‘жонли репортаж’ маъносида ишлатилади. *زنده zende* ОАВ лексикасида ‘тирик’, ‘жони бор’ маъносини ҳам англатмоқда:

با گزارش زنده پرسپولیس-گوا و فولاد-النصر از رادیو همراه شوید.

³⁷ Пейсиков Л. С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: МГУ, 1973. – С. 117.

³⁸ Пейсиков Л. С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: МГУ, 1973. – С. 122.

³⁹ عمید ح. فرهنگ فارسی عمید. تهران 1389 (2000). ص. 624

⁴⁰ ЎТИЛ. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. – Б. 372.

⁴¹ عمید ح. فرهنگ فارسی عمید. تهران 1389 (2000). ص. 608

*Bā gozāreš-e zende-ye Persepolis-Goa va Fulad-an-Nasr az rādiyu hamrāh šavid*⁴².

“Персеполис-Гоа ва Фулод-ан Насрнинг жонли репортажини радио орқали кузатиб боринг”.

Демак, бу ерда сўз семантик майдонининг қисқариши (‘тирик’ маъносидан ‘жонли’ маъносига ўзгармоқда) намоён бўлмоқда. Лексик ҳамда терминологик тизимдаги бу каби силжишлар ИСО 704 Халқаро стандартида транстерминлашув деб номланган⁴³. Демак, Академия Йўриқномасидаги “тилда мавжуд сўзларнинг терминлашуви” масаласи юзасидан ўрнатилган тартиб Халқаро стандартнинг А.3.4. бандига мувофиқ келади.

Форс тили қадим тарихга эгаллиги ва сўз яшаш имкониятининг кенглиги юқорида айтиб ўтилди. Йўриқноманинг 3.3. бандида “қадимги ва ўрта форс тили унсурлари (فرا- *tarā*- ва ҳ.к.)дан терминлар ясалиши” бўйича берилган кўрсатмаларнинг сўз яшаш усуллари орқали ёрдамида ясалган терминларда кўриш мумкин:

-فرا- *farā*- феъл ясовчи яримаффикси: ўрта форс тилида *frāč* шаклида ‘олдинга’, ‘ён тарафга’, бирор-бир ҳаракатни ‘кучайтириш’, ‘тугатиш’ маъносида қўлланилган. Тадқиқот давомида فراملى *farāmelli* ‘супернационал’ терминига дуч келдик. Бу ерда -فرا- *farā*- феъл ясовчи яримаффикси ‘бирор-бир ҳаракатни кучайтириш’ маъносини ифодаламоқда, مىلى *melli* нинг маъноси эса ‘миллий’, яъни ‘миллийликнинг юқориси’, ‘миллийликни кучайтириш’ маъносини ифодалаш учун ясалган термин. Демак, форс тилида термин яшашда классик форс тили унсурларидан ҳам фойдаланилган.

Тилларда сўз алмашинуви инкор этиб бўлмас жараён. Шу нарса маълум бўлдики, Европа тиллари терминологиясида муайян термин бирон тушунча ёки ҳодисанинг юзага келиши реаллашгани боис маълум тилнинг грамматикаси нуқтаи назаридан қоидаларга бўйсунди, унинг маълум тилга ўзлашуви ҳодисаси долзарблик касб этмайди. Бу ҳолат терминологияда ҳам ўз аксини топган. Форс тилидаги ўзлашма қатламдан ҳосил қилинган куйидаги терминларга диққат қаратамиз:

Арабча ўзлашмалардан: Форс тили лексикаси арабча сўзлар билан қоришиқ эканлигини инобатга олганда, форс луғат таркибида кўпгина янги ясалаётган сўзлар ҳам арабча бўлиши табиий ҳол: *туб терминлар*: تسامح *tasāmoh* ‘толерант’; مجلس *majles* ‘парламент’, ممشات *tamāšāt* ‘тинчлантириш’; فساد *fasād* ‘коррупция’ ва бошқалар: *бириқма терминлар*: شرایط آزداسازی *šarāet-e āzādsāzi* ‘либераллаштириш’ (شرایط *šarāet* ‘шарт’),

⁴² <https://www.pririb.ir/portal/newsview/49427>

⁴³ Terminology work – Principles and Methods // International Standard ISO 704. Second edition, 2000-11-15. Reference number ISO 704:2000 (E). – 34 p.

‘шартлар’, آزاد *āzād* ‘озод’, ‘эркин’ ва سازى ساختن *sāzi sāxtan* ‘қурмоқ’, ‘барпо қилмоқ’, ‘яратмоқ’, ‘ясамоқ’ феълидан феълий яримаффикс) ва х.к.

Французча ўзлашмалардан: Баъзан ўзлашмалардан фойдаланганда ўзлашаётган сўз термин ясашда ёрдамчи воситасини ўтайди. Форс тилида ‘дипломатия’ тушунчаси учун тилнинг ўз ички имконияти доирасида термин таклиф қилинмаган. Натижада, соҳа терминологиясига французча *دپلوماسى diplomosi* ўзлашган. Ушбу ўзлашма заминидан фойдаланиб, форс тилида айрим бирикма терминлар ясалган: *دپلوماسى پيشگيرانه diplomosi-ye pišgirāne* ‘дипломатик профилактика’.

Охирги вақтларда кўп фойдаланиладиган *ويدئوكنفرانس vidiyukonferāns* ‘видеоанжуман, ‘видеоконференц алоқа’ термини кўшма термин бўлиб, инглизча ва французча сўзлар бирикишидан ҳосил қилинган: *ويدئو vidiyu* [инг. ‘video’] ва *كنفرانس konferāns* [франц. ‘conférence’].

Инглизча ўзлашмалар: Тадқиқот давомида шундай хулосага келдикки, инглиз тилида маълум тушунчага таъриф ном берилаётганда инглиз тилидаги сўзлардан эмас, қадимги лотинча ва юнонча бўлган сўзлар амалиётга киритилмоқда. Мазкур терминлар қисқалиги, содда сўздан ташкил топаётгани, қолаверса, содда айтилиши билан тилда осонгина ўз ўрнини топмоқда. Хусусан: *سمينار seminār* ‘семинар’, *وبينار vebinār* ‘вебинар’, *ميتينگ miting* ‘митинг’ ва бошқа мисолларни келтириш мумкин.

Диссертациянинг «Ўзбек тилида термин яратиш принциплари» деб номланувчи 3-бобида ўзбек тилшунослигида термин ҳосил қилиш бўйича ҳаракатлар, Атамашунослик қўмитасининг ташкил этилиши, ўзбек тилига ўзлашган, ўзбек тилига ўзлашмаган, муқобиллар параллел ишлатилувчи терминлар ҳақида сўз юритилади.

Илм-фан ва техниканинг ривожланиши, қолаверса, XX аср бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият ўзбек тили луғат таркибининг ўзгаришида маълум аҳамият касб қилди. Неологизмлар, русча-байналмилал сўз-терминларнинг кенг қамровда қўлланилиши оқибатида ўзбек тилидаги анчагина лексик бирликлар пассив қатламга айланди ёхуд архаизмлар қаторидан жой олди.

1991-1993 йилларда “Ўзбекистон овози” газетасининг маълум сонларида Атамашунослик қўмитаси томонидан берилган таклифлар эълон қилиб борилган⁴⁴. Қолаверса, терминлар таклиф қилиш фақатгина Атамашунослик қўмитаси зиммасида бўлмаган, ушбу Қўмигага ўзлашмаларни ўзбекча варианты билан алмаштириш бўйича оддий халқдан таклифлар келиб турган. Ўша кезларда “русча-байналмилал атамаларни ўзгартиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ...”,-деган фикрлар ҳам бўлган⁴⁵.

Атамашунослик қўмитаси томонидан фақатгина термин ёки атама таклиф қилинибгина қолмай, уларнинг фойдаланилаётгани бўйича

⁴⁴ Ўзбек тили атамашунослиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси Ахборотномаси. – Т., 1992. – Б. 26.

⁴⁵ Ўша манба. – Б. 27.

жойларда сўровномалар, таҳлиллар ўтказилган. Шунингдек, Қўмита ходимлари томонидан терминларни ишлатишдаги чалкашликлар, тушунмовчиликлар ва уларнинг олдини олиш йўллари ҳақида ҳукумат Тил Комиссиясига ахборот тақдим этилган, атамаларни газета ва ОАВда ифода этиш, тартибга солиш юзасидан таклифлар киритилган. Унга кўра:

-расмий хабар ва маълумотларда қўлланадиган атамалар ва маъмурий-бошқарув номланишларини бир шаклда ёзиш;

-кўпчилик учун тушунарсиз бўлган арабча-форсча сўзларни, ўзбек тили қоидаларига тўғри келмайдиган сунъий атамаларни ишлатишга чек қўйиш;

-янги атамаларни қўллаганда, улар истеъмолга барқарор кириб кетгунга қадар, олдинги муқобилини қавс ичида бериб бориш лозимлиги таъкидланган⁴⁶.

Тил сиёсати назорат қилинишига қарамай, терминларни қўллаш бўйича узил-кесил тўхтамга келинмади. Бу борада Атамашунослик қўмитаси Низомининг 2-бандидан қуйидаги талаблар ўрин олган: “Ўзбек тилида атамалар яратиш ва уларни тартибга солишда она тилининг ўз ички имкониятларидан, жумладан, бунда ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятлари ва шева бойликларидан фойдаланиш бош мезон ҳисобланиб, имло қоидаларига тўлиқ амал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади”⁴⁷.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши оқибатида қатор русча-байналмилал ўзлашмаларни алмаштириш ҳаракати яққол сезилди. Натижада, ўзлашмага яна ўзлашма таклиф қилинди. Байналмилал *аэропорт* термини ўрнида *тайёрагоҳ*, *бандаргоҳ* атамалари ишлатила бошлади.

Байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобили сифатида матбуотда эълон қилинган, лекин ўзбек тили луғат бойлигида илгари ишлатилмаган арабча-форсча сўз-терминларнинг кириб келиш жараёнига Атамашунослик Қўмитаси муносабатини билдира олмади, ҳатто бу каби ўзлашмаларни ишлатишни Атамашунослик қўмитасининг ўзи таклиф қилди. Натижада ўзбек тили лексикаси, чунончи, терминологиясида қатор тушунмовчиликлар юзага чиқди:

1) ўзбек тилида ҳам ўзлашма, ҳам унинг муодилини ишлатиш таклиф қилинди;

2) терминологияда синонимия ҳодисасининг ривожланишига туртки бўлди;

3) матбуотда “иккиланиш” (яъни синонимлардан қай бирини қўллаш) масаласи юзага келди;

4) охир-оқибат, таклиф қилинган термин истеъмолдан чиқиб кета бошлади.

Бу ҳолат Атамашунослик қўмитаси фаолиятида баъзан янглишларга йўл қўйилганидан далолат беради.

⁴⁶ Ўша манба. – Б. 33.

⁴⁷ Ўзбек тили атамашунослиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси Ахборотномаси. – Т., 1992. – Б. 4-6.

Ўзбек терминологиясининг ўз ҳамда ўзлашма қатламдан иборатлиги янгилик эмас. Ўзлашма қатламни қуйидаги гуруҳларга тақсимлаш мумкин⁴⁸:

1) рус тили ва у орқали ғарбий Европа тилларидан ўзлашган қатлам (*нусхакаш* (арабча от+форсча феълий яримаффикс) ўрнига *нотариус* (ингл., ‘notarius’));

2) араб тилидан ўзлашган қатлам (Вазирлар Маҳкамаси’ бирикма клишеси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Ўзбек тили ҳамда араб тилида мавжуд бўлган *маҳкама* термини маъно жиҳатидан бир-биридан фарқли. *مَحْكَمَةٌ mahkamatum* араб тилида ‘суд’, ‘трибунал’ маъноларини билдириб, *حَكَمَ hakama* ‘суд қилмоқ’, ‘сўроқ қилмоқ’, ‘тергамок’ маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида эса ‘маслаҳатлашув’ маъноси учун ишлатилади. Агар арабча сўз бўлган ‘маҳкама’ни ўз маъносида ўзбек тилига қабул қилинса, ‘вазирларни суд қиладиган жой, трибунал’ маъносини беради);

3) форс тилидан ўзлашган қатлам (*оромгоҳ* асоси *آرام ārām* паҳлавийчага хос бўлиб, “тинчланиш”, “тўхташ”, “қотиш”, “ҳаракатсизлик”, “оҳиста” маъноларини ифодалайди⁴⁹. Унга жой номини ясовчи *گاه -gāh* яримаффикси қўшилиши натижасида *آرامگاه ārāmgāh* “тинчланадиган жой” маъносини ифодаловчи сўз ясалган. Аммо мазкур сўз форс тилида “мақбара” тушунчасини ифодалаш учун ишлатилади);

4) ўзбек тили асосида яратилган терминлар (*кураш, ёнбош, ҳалол*);

5) калькалар.

С. Тошалиева калькалаб олиш, таржима қилиш туфайли юзага келган окказионализмлар эканини, “хандобус” сўзи (газета-журналларда рукн ўрнида) русча “сатиробус” рукнининг ўзбекча муқобили сифатида яратилганини қайд этган⁵⁰. Диссертацияда структур калькалар таҳлили жараёнида *тўлиқ калька* (*иқтисодий эркинлик–экономическая либеральность* ўрнига) ва *ярим калькалар* таҳлил этилган бўлиб, иккинчи тури 1) *бош сўзи ўзлашма бўлган бирикмалар*: ‘хусусий бизнес’ (‘частный бизнес’); 2) *тобе сўзи ўзлашма бўлган бирикмалар*: ‘электрон имзо’ (‘электронная подпись’); 3) *ҳар икки қисми ўзлашма бўлган бирикмалар*: ‘веб-сайт’; ‘паспорт столи’ (‘паспортный стол’) га тақсимланиб, таҳлил қилинган.

Семантик калька 1) умумистеъмолдаги сўз тубдан бошқа маънони ифодалаши (*биография* ўрнига *таржимаи ҳол*); 2) бирикма терминнинг аниқловчи қисми умумистеъмолдаги ўзбекча, аниқланмиши эса ижтимоий-сиёсий соҳага даҳлдор ўзлашмадан иборат (*ҳалқаро рейтинг*); 3) бирикма терминнинг аниқловчи қисми ижтимоий-сиёсий соҳа, аниқланмиши эса умумистеъмолдаги сўздан иборат (*коррупция бўлими*); 4) ҳар иккала ёки учала компонент ҳам сиёсий соҳага оид бирликларидан иборат (*онлайн*

⁴⁸ гуруҳлаш муаллифга тегишли.

⁴⁹ Amid Н. Farhang-e farsi-ye amid. 1389 h/sh. – S. 25 // Amid Н. Persian Dictionary of Amid. – 2010. – P. 25.

⁵⁰ Тошалиева С. И. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши: Филол. фан. ном... дисс. автореф. – Т., 1998. – Б. 16.

конференция); 5) бирикма терминнинг ҳар икки компоненти ҳам умумистеъмол (ёки термин бўлмаган) сўздан ҳосил қилиниши (*ишбилармонлик дастури*) каби гуруҳлар доирасида ўрганиб, таҳлил этилган.

Диссертациянинг 4-боби «**ISO 704 Халқаро Стандарти ва унинг форс ва ўзбек терминологияси низомлари билан мувофиқлиги**» деб номланиб, ISO 704 Халқаро стандарти ва унинг асосида ишлаб чиқилган форс ва ўзбек тилларида терминлар яратиш бўйича йўриқнома таҳлилига бағишланган. Форс тилида термин ясаш мақсадида *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Форс тили ва адабиёти академияси” *اصول و ضوابط واژه گزینی osul va zavābet-e vāžegozini*⁵¹ “Сўз танлашнинг усул ва қоидалари” йўриқномасини ишлаб чиққан. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан ўзлашмаларга муодил таклиф қилиш бўйича тартиб ишлаб чиқилди. Мазкур бобда икки тил учун ишлаб чиқилган Йўриқномаларнинг ўзаро фарқли ҳамда ўхшаш жиҳатларини аниқлаш ва уларнинг ISO 704 Халқаро Стандартидаги термин ясаш принципларига қиёслаш орқали ўзбек тилида термин ясаш бўйича “Низом” таклиф қилинган.

Форс ва ўзбек тиллари термин ясаш принциплари ўзаро чоғиштирилганда қуйидаги тафовут қирралари аниқланди:

ISO 704 Халқаро стандарти асосида барча тилларга умумий, тилларнинг ички имкониятларига мос Низом ҳисобланиб, унга охириги ўзгартириш 2000 йилда киритилган. Форс тилида шу кунга қадар 3 та тил академияси фаолият юритган, 1991 йилдан учинчи академия форс тилига термин тақдим қилиш бўйича ўз ишини бошлаган. ЎзР ВМ ҳузурида ташкил этилган Атамашунослик қўмитаси 1990-2006 йиллар давомида фаолият олиб борди. ISO 704 стандартида ҳар бир тил ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз стандартини ишлаб чиқиши мумкинлиги таъкидланган. Форс тилида Европача ўзлашмалар ўрнига форсча муқобил тақдим қилиш, ўзбек тилида эса русча-байналмилал ўзлашмалар ўрнига ўзбекча муқобил бериш принципи долзарблик касб этган. ISO 704 стандартида ҳар бир тил ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз стандартини ишлаб чиқиши мумкинлиги таъкидланган. Форс тилида Европача ўзлашмалар ўрнига форсча муқобил тақдим қилиш, ўзбек тилида эса русча-байналмилал ўзлашмалар ўрнига ўзбекча муқобил бериш принципи долзарблик касб этган.

Халқаро стандартда терминлар структураси жиҳатидан содда, ясама, қўшма ва бирикмадан иборат бўлиши қатъий мисоллар ёрдамида кўрсатилган. Форс тилида ҳам структур тақсим аниқ ифодасини топган. Ўзбек тилида бундай тақсим кузатилмайди. Халқаро стандартда синонимиянинг олди олиниши бўйича қатъий кўрсатма мавжуд. Форс тили

⁵¹ اصول و ضوابط واژه گزینی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388. ص. 58.

Академия Йўриқномаси таҳлилида бу каби банд учрамади, ўзбек тилида эса бир тушунча учун бир неча терминлардан фойдаланиш чалкашликка олиб келиши баён қилинган, аммо йўриқлар келтирилмаган. Халқаро стандарт ва форс тили Йўриқномасида ‘агар тилнинг ички имконияти маълум тушунчага муқобил беришга қодир бўлмаса, ўзлашмадан асос сифатида фойдаланиш ва ўз сўз-элементларни ишлатган ҳолда термин яшаш’ мумкинлиги кўрсатилган. Атамашунослик қўмитаси эса бу масалада жуда юзаки таклифларни илгари сурган.

Халқаро стандартда байналмилал характерга эга: *мега-, кило-, милли-, анти-, микро-, дека-, деци-, санти-, -ивизм, -изм* каби элементларни қўллаш белгиланган, форс тилида эса классик форс тилида мавжуд бўлган элементларни жонлантириш таклиф этилган, ўзбек тилида эса бу каби таклифлар кузатилмайди. Халқаро стандартда каби форс тили Йўриқномасида ҳам калькаләшга доир қатъий қоидалар белгиланган, ўзбек тилида улармавжуд эмас.

Байналмилал характердаги тиббиёт, дори-дармон, курул-яроқ терминларини ўз ҳолича барча тилларда қолдириш бўйича Халқаро стандартда кўрсатма берилган бўлиб, форс тилида ҳам халқаро сўзлар форсча ўз қатлам терминларини яшаш мумкинлиги орасида қайдлар мавжуд. Ўзбек тилида ҳам агар у термин халқаро доирада ишлатилса, уни муодили билан алмаштирмаслик мумкинлиги ёзиб қўйилган. Аббревиатуралар бўйича Халқаро стандартда жуда батафсил тақсим мавжуд бўлиб, уларнинг форс тилида олти тури бўйича аббревиатура яшаш мумкинлиги изоҳланган. Ўзбек тилида эса аббревиатураларни қўллаш бўйича келтирилган айрим таклифлар асосида ясалган терминларнинг аксарияти айни дамда ўзбек тилида ишлатилмаслиги мисоллар орқали исботланди.

Термин яшаш жараёнлари маълум бир халқнинг миллий-специфик ҳолатларига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, қуйида ISO 704 халқаро стандарти ҳамда “Форс тили ва адабиёти академияси” Йўриқномаси асосида ўзбек тилида термин яшаш бўйича тавсиялар келтирилади.

ХУЛОСА

Форс ва ўзбек тилларида термин яшаш принциплари, уларнинг назарий ва амалий масалалари юзасидан амалга оширилган таҳлиллар бўйича қуйидаги хулосага келинди:

1. 1930-йилларнинг бошларида терминологияни ўрганишга бўлган ҳаракат Европа ва шарқ мамлакатларида жадаллик билан бошланди. Терминология лексикология таркибидан фан тармоғи сифатида ажралиб чиқди. Европада Вена, Прага ва Россия терминология мактаблари шаклланди. Уларнинг ғоялари, таклиф қилган термин яшаш принциплари асосида ISO 704 Халқаро Стандарти юзага келди. Унда барча тиллар учун термин яшаш, термин танлаш, транскрипция, транслитерация, орфография

ва орфоэпия қоидаларини ўзида жамлаган махсус бандлари мавжуд бўлиб, бу қоидалар асосида ҳар бир тил термин ясаш бўйича тартибини ишлаб чиқади.

2. 1933-1936-йиллар давомида шарқ мамлакатлари, хусусан, араб давлатлари, Туркия ва Эронда тилнинг ижтимоий функциясини сақлаб қолишга уриниш – пуризм ҳаракатлари авж олди, четдан кириб келаётган ўзлашмаларга миллий тилда термин таклиф қилиш ғояси илгари сурилди. Бу вақтда шарқ мамлакатларида она тилининг софлигини сақлаб қолишга қаратилган тил Академияларининг вужудга келганини кузатиш мумкин. Чунончи араб давлатларида 7 та тил академияси, турк тили учун “Türk Dil Kürümü”, форс тили учун 3 та Академия ўз фаолиятини бошлаган. Шунга қарамай, шарқ мамлакатларининг дунё тан олган терминология мактаби мавжуд эмас.

3. 1989 йилдан эътиборан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши натижасида жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва давлат тизимида она тили мавқеи ва нуфузини кўтариш, муҳофаза қилиш мақсадида кўпдан-кўп ўзлашмалар ўрнига ўзбек тилида муқобил терминлар тақдим қилиш эҳтиёжи туғилди. 1990 йил 16 февралдан расман ўзбек тили терминологияси билан шуғулланувчи Атамашунослик қўмитаси иш бошлади. Бу қўмита энг аввало, русча-байналмилал ўзлашмаларга муқобил бериш позициясини танлаган. Натижада ўзбек тили терминологиясида кечган жараёнлар Россия терминология мактаби илмий-назарий қарашлари асосида реаллашди.

4. Эроннинг учинчи *فارھانگستان زبان و ادبیات ایران* *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Форс тили ва адабиёти академияси” ўзининг *اصول و ضوابط و اژه گزینی* *osul va zavābet-e vāžegozini* “Сўз танлашнинг усул ва қоидалари” йўриқномасини ишлаб чиққан. Мазкур Йўриқнома ISO 704 стандарти асосида шакллантирилган бўлиб, йўриқномада бу стандартда белгиланган талабларга ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд:

а) тадқиқот давомида Учинчи Академия, шунингдек, аввалдан тилда қўлланилган 589 та ижтимоий-сиёсий термин структур-семантик таҳлилга тортилди. Унга кўра:

туб терминлар – 124 та (21%);

аффиксация – 17 та (2,9 %);

яримаффиксация – 21 та (3,6%);

композиция – 7 та (1 %);

лексикализация – 7 та (1 %);

транспозиция – 3 та (0.5 %) усули билан ясалган терминлар бир

таркибли терминлар мисолида ўрганилди. Бундан ташқари, бирикма терминлар сон жиҳатидан жамланган терминларнинг 65 % ни (387 та) ташкил қилиши аниқланди. Бирикма терминларнинг икки ва кўп компонентлилиги мисолларда ўз аксини топди.

б) таҳлилга тортилган форс тилидаги терминлар халқнинг ҳаёти, турмуш-тарзи билан боғлиқ бўлганлиги учун уларнинг аксарияти умумлексикада мавжуд сўзлар бўлиб, терминлик мавқеига кўтарилган.

Академия томонидан таклиф қилинган ижтимоий-сиёсий терминлар ОАВда ишлатилаётгани, айрим ҳолларда контекстуал дублетлар билан ёнма-ён қўлланилади.

в) бирикма терминлар таркибда ўз ва ўзлашма қатламнинг биргаликда қўлланилгани ёки бир вақтнинг ўзида контекстуал дублет сифатида реаллашгани кузатилди.

5. Форс тилидаги жамланган мисоллар Академия Йўриқномаси асосида таҳлил қилинганида ҳозирги кунда ОАВда қўлланиладиган ижтимоий-сиёсий терминларнинг аксарияти таркибий ва семантик калькаларга ҳисобига ортгани кузатилди: жами – 336 термин. Шундан таркиби калька орқали (229 термин) таклиф қилинган терминлар салмоқли ўрин эгаллайди.

6. Эрон ОАВда эълон қилинаётган материалларда қадимги ва ўрта форс тили сўз яшаш элементлари иштирокида ясалган терминлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий терминлар тизимида қадимги форс тили ва ўрта форс тилига хос сўзларнинг терминлашувида семантик чегаранинг силжиши, яъни маънонинг торайиши ёки кенгайиши юз берган.

7. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан сўнг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил қилинган Атамашунослик қўмитаси Низомини ўрганиш ҳамда 1990-2021 йилларда ОАВда эълон қилинган ижтимоий-сиёсий мавзуларда учраган терминларни структур-семантик таҳлили ва калькаланган терминлар таҳлили жараёнларини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1) русча-байналмилал сўзлар ўрнига муқобил сифатида арабча ва форсча сўзлар таклиф қилинган. Атамашунослик қўмитаси томонидан таклиф қилинган ва тасдиқланган аксарият терминлар тилга сингмаган;

2) Атамашунослик қўмитаси ўз фаолиятини бошлаган даврда ўзбек тили сўз яшаш усулларидан тўғри фойдаланган ҳолда муваффақиятли таклиф қилинган терминлар ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда улар тилдан чиқиб кетган. Шу жиҳатдан, ўзбек *тилига ўзлашган, тилга ўзлашмаган* ва *муқобиллари параллел ишлатилувчи терминлар* қаторлари ажратилди;

3) ўзлашмалар билан бир қаторда, ўзбек тилида аввалдан қўлланишда бўлган сўзларни параллел ишлатиш натижасида терминологияда синонимия ҳодисаси авж олган, аксарият ҳолларда стилистик синонимия ривож топган;

4) Атамашунослик қўмитасининг ўзлашмаларга зўрма-зўраки эквивалент тақдим қилиши терминологиянинг асосий антипринципи – синонимия ҳодисасининг ривожланишига туртки бўлди. Матбуотда “иккиланиш” (яъни синонимлардан қай бирини тилда қўллаш) масаласи юзага келди;

5) охир-оқибат, таклиф қилинган термин истеъмолдан чиқиб кета бошлади.

8. Ўзбек терминологияси тарихидаги ўзлашма қатлам қуйидаги гуруҳларга тақсимланди:

1) рус тили ва рус тили орқали ғарбий европа тилларидан ўзлашган байналмилал терминлар;

2) арабча ўзлашмалар;

3) форсча ўзлашмалар;

4) калькалар.

9. Ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминологияси таҳлили жараёнида *тўлиқ калька* ва *ярим калька* турлари кўриб ўтилган бўлиб, 1) бош сўзи ўзлашма бўлган бирикмалар; 2) тобе сўзи ўзлашма бўлган бирикмалар; 3) ҳар икки қисми ўзлашма бўлган бирикмалар каби кичик гуруҳларига тақсимланиб, таҳлил қилишни тақозо қилди.

Семантик калька эса: 1) умумистеъмордаги сўз тубдан бошқа маънони ифодалаш; 2) бирикма терминнинг аниқловчи қисми умумистеъмордаги ўзбекча, аниқланмиши эса ижтимоий-сиёсий соҳага дахлдор ўзлашмадан иборат; 3) бирикма терминнинг аниқловчи қисми ижтимоий-сиёсий соҳа, аниқланмиши умумистеъмордаги сўздан иборат; 4) ҳар иккала (учала) компоненти ҳам сиёсий соҳага оид бирикларидан иборат; 5) бирикма терминнинг ҳар икки компоненти ҳам умумистеъмор (ёки термин бўлмаган) сўздан ҳосил қилиниши каби гуруҳларни ташкил этиши исботланди.

10. Ўзбек тилида “арабча асос+форсча аффикс/яримаффикс”, “форсча асос+форсча/арабча аффикс/яримаффикс”, “сифат+аффикс”, “ўзлашма асос+термин ясовчи элементлар” модели асосида туб, ясама, қўшма ҳамда бирикма терминлар ясалган. Шу билан бирга Халқаро Стандартда учрамайдиган “фёълнинг буйруқ майли+от” каби қолип билан ўзбек тилида терминлар ясалган.

11. Шундай терминлар учрадики, араб ҳамда форс тилларидан ўзлашган сўзлар иштирокида ўзбек тилининг сўз яшаш қоидалари асосида айрим терминлар ясалган. Бу тилдаги қоришиқ (гибрид) терминлар ўзбек тилининг мулки ҳисобланади.

12. ISO 704 Халқаро стандарти, форс ва ўзбек тилларида термин яшашда 11 йўналиш асосида *термин яшаш марказларининг ташкил топishi, термин танлаш жараёни, морфологик, фонетик ва синтактик хусусияти, терминлар структураси, миллий термин яшаш, термин ясовчи элементлардан фойдаланиш, калькалаш, байналмилал терминларни қўллаш* ҳамда *қисқартмалар тақдим қилиш* принципларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари кесишмаси назарий исботланди.

13. Форс тилида қисқартма ҳосил қилишда Академия Йўриқномасига риоя қилинади. ISO 704 Халқаро Стандартида аббревиатура яшаш бўйича таклиф қилинган қатор усулларнинг Йўриқномада мавжуд эмаслиги аниқланди. Бу жиҳатни форс тилининг ички специфик-график хусусияти билан боғлаш ўринли. Ўзбек тилида қисқартма яшашда Атамашунослик қўмитаси Низомида қайд этилган усуллардан ташқари, бошқа усуллар билан қисқартмалар ясалган. Айниқса, топонимлар яшашда ўзбек тилининг сўз яшаш қоидаларига риоя этилмагани, жой номлари тез-тез ўзгартирилиши

аниқланди. Бу ҳолат тилда терминологиянинг айрим назарий-амалий хусусиятларига зиддир.

14. ISO 704 Халқаро стандарти, Эроннинг Учинчи فرهنگستان زبان و ادبیات ایران *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* (“Эрон тил ва адабиёти академияси”) термин ясаш йўриқномаси ҳамда Атамашунослик кўмитаси Низомларининг термин ясаш принциплари бўйича берилган назарий хулосалар асосида ўзбек тили учун термин ясаш принциплари таклиф қилинди.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ № Dsc.03/30.12.2019.fil/tar.21.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

МИРЗАХМЕДОВА ХУЛКАР ВАСИЛОВНА

**ПРИНЦИПЫ И ПРОБЛЕМЫ ТЕРМИНООБРАЗОВАНИЯ В
ПЕРСИДСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ
(НА МАТЕРИАЛЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ
ТЕРМИНОЛОГИИ)**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSC)

Ташкент 2022

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2022.2.DSc/Fil393.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский) на сайте Ученого совета www.tsuos.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный консультант:	Маннонов Абдурахим Муталович Доктор филологических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	Дадабоев Хамидулла Арипович Доктор филологических наук, профессор
	Имомназаров Мухаммад Султонович Доктор филологических наук, профессор
	Ўрозбоев Абдулла Дурдибаевич Доктор филологических наук, доцент
Ведущая организация.	Узбекский государственный университет мировых языков

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете востоковедения Узбекистана по адресу: 100030, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(Протокол цифрового реестра № ____ от «__» _____ 2022 года.)

К.Ш. Омонов

И.о. Председатель Ученого совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

Р.А. Алимухамедов

Секретарь научного семинара при Ученом совете по присвоению ученых степеней, д.ф.н., доцент

Х.З. Алимова

Председатель научного семинара при Ученом совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора науки (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой терминологии был проведен ряд исследований, направленных на решение таких проблем, как понятие терминологии, лексико-семантические и структурные аспекты терминологии. Сегодня же на первый план в изучении терминологии выдвигаются вопросы, касающиеся способов терминообразования, построения и отбора, выявления их продуктивных и малопродуктивных способов, соответствия терминов общепринятым литературным нормам, их использования, аспектов, учитываемых при внедрении альтернатив заимствованиям, применения принципов международной терминологии к терминологиям существующих мировых языков. В связи с чем, терминологии всего мира фокусируют свое внимание на выявлении принципов, теоретических правил, сложившихся к настоящему времени закономерностей терминообразования и их эффективности в терминологии.

В мировом языкознании с 30-х годов прошлого века возросла потребность в изучении новых понятий и единиц, разработке их теоретических основ, изучении структуры и применения терминов, возникающих в лексическом составе каждого языка, заимствований и терминов, образованных на основе внутренних возможностей языка, а также в структурном и семантическом изучении новых лексических единиц, возникших в связи с изменением семантического поля слова. В частности, как результат деятельности «Академии персидского языка и литературы» в Иране в современный персидский язык стали вводиться термины, образованные на основе внутренних возможностей языка. В то время как в узбекском языке наблюдается тенденция к использованию больше заимствований, особенно русско-интернациональных терминов или сочетаний. Одной из важных задач, ожидающих своего решения, является определение соответствия персидских и узбекских терминов принципам международного терминообразования, эффективности деривации, языкового выражения терминов на основе внутренних возможностей, особенностей возникшего дублетизма, а также соответствия способов терминообразования в персидском и узбекском языках Международным стандартам ISO 704.

С момента обретения независимости перед языковедами были поставлены задачи по изданию специальной отраслевой литературы на узбекском языке и разработке системы специальных терминологических словарей. В результате глобализации и ускорения эпохи Интернета возник ряд нерешенных вопросов, связанных с появлением новых неологизмов, заимствований в социально-политической сфере и их применении. К тому же, все возрастающее число интернациональных терминов в узбекской терминологической системе требует разработки строгих правил по их применению или созданию. Концепция Департамента развития государственного языка при Кабинете Министров Республики Узбекистан

по принятию и использованию терминов и Закон Республики Узбекистан «О государственном языке» выдвигают на первый план актуальность и необходимость повышения статуса узбекского языка. Термины, характерные для общественно-политической жизни персидского и узбекского языков, толкование принципов отнесения терминов к заимствованиям в этой терминологической системе – способствует правильному пониманию теоретических основ терминологии и правильному внедрению принципов терминообразования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, выдвинутых в Законе Республики Узбекистан «О государственном языке»¹, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 июля 2017 года, Указе № УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2020 года², Указе № УП-5675 «О дополнительных мерах по расширению использования государственного языка в системе Вооруженных Сил и правоохранительных органов Республики Узбекистан» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Связь научных исследований от основных приоритетов развития науки и техники республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-нравственному развитию информационного общества и демократического государства и пути их осуществления».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Существует ряд научных центров и международных организаций, осуществляющих исследования по теоретическим основам, концепциям, контролю терминов в мировой терминологии. Среди них такие центры, как Vrije Universiteit (Амстердам), Vienna University (Австрия), Carlos University (Чехия), University Canada West (Канада), Институт Азии и Африки Московского государственного университета им. М.В.Ломоносова (Российская Федерация), Pragua Carlov University (Чехия), Ankara University (Турция), Tehran University (Исламская Республика Иран), Ташкентский

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни 1989 йилда қабул қилинган (1995 йилда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

² <https://lex.uz/docs/5058351>

³ Обзор зарубежных исследований по теме диссертации основан на следующих информационных ресурсах: <https://www.edworld.ru>, <http://www.iaas.msu.ru>, <http://www.ivran.ru>, <http://www.spbu.ru>, <https://ut.ac.ir/fa> <http://www.tsuos.uz>, <http://www.samdchti.uz>.

государственный университет востоковедения, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы им. А.Навои.

На сегодняшний день были осуществлены следующие научные исследования по изучению персидской и узбекской терминологиям, в том числе: была проведена языковая политика в Иране и предложены персидские эквиваленты новым заимствованиям (Farghangestan-e zaban va adabiyat-e Iran, Исламская Республика Иран), осуществлены научные исследования в области персидской терминологии и терминографии (Tehran University, Allomeh Tabatabayi University, Исламская Республика Иран), изданы словари на узбекском языке по узбекской терминографии (Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз), проведены научные исследования по заимствованиям и терминологии узбекского языка (Ташкентский государственный университет востоковедения, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Узбекский государственный университет мировых языков), осуществлен сопоставительный анализ терминов узбекского и таджикского языков (Самаркандский государственный институт иностранных языков).

В настоящее время проводится ряд научных исследований по мировой терминологии, в частности по следующим приоритетным направлениям: разработка научно-теоретических подходов к принятию оптимальных терминов для новых понятий, использование предложенных терминов в языке, продуктивные способы их образования, определение степени их освоения языком или выявление причин выхода из употребления, унификация и стандартизация терминов.

Степень изученности проблемы. Изучению вопросов возникновения общей терминологии, этапов становления и развития, теоретического и практического значения терминообразования, терминографии и ее развития посвятили свои исследования такие терминоведы, как Э.Вюстер, Х.Фелбер, Дж.Слиско, Х.Сомерс, Дж.Сейжер, Г.Рондеу, Р.Теммермен, К.Кагеура, Ф.Николет, Р.Джекендоф, Л.Питер, А.А.Реформатский, В.П.Даниленко, Д.С.Лотте, А.В.Суперанская, В.В.Петров, А.Д.Хаютин, а из узбекских ученых С.Акобиров, Э.Бегматов, Р.Дониеров, А.Ходжиев, Х.Дадабоев, А.Мадвалиев, А.Куронбеков⁴ и др.

